


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 11 июнь, № 122 (7902) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН:

# ДЎСТЛИК, ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг таклифига биноан 10 июнь куни расмий ташриф билан Тожикистонга келди.**

Душанбе халқаро аэропортида давлатимиз раҳбарини Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон кутиб олди.

Аэропорт олий мартабали меҳмон шарафига икки давлат байроқлари ва шиорлар билан безатилган.

Ўзбекистон раҳбарини кутиб олишда кўплаб ёшлар ва ижодий жамоалар ҳам иштирок этди.

Душанбе шаҳридаги “Қасри Миллат” қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди, икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар бир-бирига расмий делегация аъзоларини таништирди. Фахрий қоровул тантанали марш билан давлат раҳбарлари олдидан ўтди.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмоннинг тор доирадаги учрашуви бошланди. Унда давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Тожикистон стратегик шериклиги ва кўп қиррали ҳамкорлигининг барча жиҳатларини кўриб чиқдилар, сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратдилар.

Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорлик қилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз таклиф ва самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки мамлакат муносабатлари юксак даражага кўтарилганини таъкидлади.

— Қабул қилган барча қарорларимиз амалга ошмоқда. Ўтган даврда икки томонлама муносабатларда кўп нарса ўзгарди. Буни рақамлар ҳам айтиб турибди. 2017 йилда товар айирбошлаш 70 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2020 йилда, мураккаб пандемия йилида ушбу кўрсаткич илк бор 500 миллион долларга етди. Биз ушбу ташрифга жуда жиддий тайёргарлик кўрдик. Ҳудудлар форуми муваффақиятли ўтказилди, қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган аниқ лойиҳа ва шартномалар имзоланди. Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида айтсак, биринчи бор Тожикистонда Ўзбекистон киноси кунлари муваффақиятли ўтди, яқин орада мамлакатларимиз ёшлари Фарғона водийсида учрашади. Бир сўз билан айтганда, тарихий яқинлигимиз бугун ҳаётга кўчмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев.

Тожикистон Президенти давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, ушбу ташрифнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди.

— Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва ишончли қўшнимиз. Тожикистон — Ўзбекистон муносабатлари бугун жадал ривожланаётганидан мамнунмиз. Савдо-иқтисодий алоқалар кенгаймоқда. Маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро муносабатлар мустаҳкамланмоқда. Мамлакатларимиз минтақавий хавфсизлик борасида ўзаро мувофиқлашиб, яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганини алоҳида қайд этмоқчиман. Бугун сиз билан муносабатларимизнинг ҳолати ва истиқболларини ҳамда халқаро ва минтақавий масалаларни муҳокама қилишга тайёрман, — деб таъкидлади Эмомали Раҳмон.

Қўшма корхоналар сони 8 баробар кўпайиб, бугунги кунда 200 дан ошгани таъкидланди. Жумладан, Душанбе шаҳрида маиший техникалар ишлаб чиқарувчи “Артел Авесто Электроникс” қўшма корхонаси самарали иш юритмоқда. Ташриф арафасида 30 дан ортиқ шундай лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Ўтган йилги қийин шароитларда ҳам юк ташиш ва транзит ҳажми ошгани қайд этилди. Икки томонлама чегирма ва имтиёзлар тақдим этилмоқда. Пойтахтлар ўртасида авиақатнов тикланди.

Учрашувда товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, икки мамлакат ҳудудлари салоҳиятини самарали ишга солиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида саноат кооперациясини ташкил этиш бўйича аниқ таклифлар илгари сурилди. Шунингдек, парламентлараро алоқалар, маданий-гуманитар алмашинув, барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан таҳдид ва хатарларга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқи ва ўзи номидан биродар Тожикистонни мустақиллигининг бўлажак 30 йиллиги билан табриклади, тинчлик, фаровонлик ва равнақ тилади.

Давлатимиз раҳбари Президент Эмомали Раҳмонни ўзи учун қулай вақтда жавоб ташрифи билан Ўзбекистонга боришга таклиф этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар.

Музокараларда расмий делегациялар аъзолари, икки мамлакат вазирликлари ва йирик компаниялари, чегарадош вилоятлар раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ва Тожикистон етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли биродар мамлакатларнинг муносабатлари тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли амалий ҳамкорликнинг сифат жиҳатидан янги даражасига кўтарилгани қайд этилди.

— Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан беқиёс ишларни амалга оширдик ва улар ўзаро муносабатларимиз солномасидан ўрин олди, — деб таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Томонлар стратегик шерикликни кенгайтиришда қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни кўришга тайёрлигини таъкидладилар.

Музокараларда савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш, саноат кооперациясини чуқурлаштириш, транспорт соҳасидаги ва ҳудудлар ўртасидаги шерикликни ривожлантириш, энергетика йўналишидаги улкан салоҳиятни самарали ишга солиш, маданий-гуманитар алмашинувларни давом эттириш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш бўйича ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев товар айирбошлашдаги ижобий суръатга қарамай, келгуси йилда уни икки баробарга кўпайтириш учун янги “ўсиш нуқталари”ни топиш муҳим эканини айтди. Шу мақсадда эркин савдо режимидан истисноларни бекор қилиш ва нотариф тўсиқларни бартараф этиш масалаларини келишишни тез фурсатда якунлаш муҳим, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ўзаро товар етказиб бериш ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш, учинчи мамлакатларга биргаликда чиқиш имкониятларини излаш лозим.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мамлакатларимиз ҳудудлари ва етакчи корхоналарининг саноат кооперациясини кенгайтиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

— Муваффақиятли ҳамкорликнинг реал мисоллари ва истиқболга мўлжалланган аниқ режаларимиз бор. Бу ҳақда сўз юритганда, Ўзбекистон автомобилларини йиғишни ташкил этиш, замонавий трансформаторлар ва қишлоқ хўжалиги ускуналарини ишлаб чиқариш, маиший техника ва қурилиш материаллари, калава ип ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, мамлакатларимиздаги бошқа қўшма лойиҳаларни тилга олиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Шу муносабат билан ташкил этилган қўшма инвестиция компанияси фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида самарали йўлга қўйиш ҳамда унинг имкониятларидан лойиҳаларни илгари суришда максимал даражада фойдаланиш зарур.

Транспорт ва транзит ташишлар соҳасидаги ҳамкорлик ҳам стратегик йўналишдир. Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш, шаҳарлар ўртасидаги ҳаво қатновларини кенгайтириш ва автобус қатновларини тиклашни таклиф этди.

Шавкат Мирзиёев икки мамлакат вилоятлари ва туманлари кесимида тўғридан-тўғри тизимли мулоқотни йўлга қўйиш муҳим эканини таъкидлади.

Куни кеча Хатлон вилоятининг Бохтар шаҳрида ўтган биринчи ҳудудлараро форум бундай шаклдаги ҳамкорликнинг самарадорлигини яна бир бор исботлади.

— Масалаларни тезкор ҳал қилиш учун ҳудудлар раҳбарлари изчил “ҳаракатлар режалари”ни келишиб олишлари ва ҳар ой камида бир марта жойларда учрашувлар ўтказиб боришлари лозим, — деб қайд этди давлатимиз раҳбари.

Икки мамлакатнинг улкан гидроэнергетика салоҳиятидан ва сувдан самарали фойдаланиш масалалари бўйича конструктив ва ўзаро манфаатли мулоқотни давом эттириш масалалари муҳокама қилинди.

Етакчилар анъанавий фаол гуманитар алмашинувларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатимиз раҳбари дипломатик муносабатларимиз ўрнатилганининг 30 йиллигига бағишланган қўшма маданий тадбирлар дастурини амалга ошириш, шунингдек, икки мамлакат ёшлари фестивалини ташкил этиш, Душанбе ва Тошкентда замонавий ўзбек ва тожик адабиётининг танланган асарлари — антологияларини нашр этишни таклиф этди.

Музокараларда замонавий хатар ва таҳдидларга қарши курашиш соҳасида, айниқса, Афғонистонда юзага келаётган вазият асносида ҳамкорликни кучайтириш муҳим экани қайд этилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Афғонистон бўйича тинчлик музокараларини қўллаб-қувватлаш, ушбу мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, уни минтақавий иқтисодий шерикликка фаол жалб этиш тарафдори экани таъкидланди.

Томонлар БМТ, МДҲ, ШҲТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси каби халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида ҳамкорликни давом эттириш ва бир-бирини қўллаб-қувватлашга тайёр эканини тасдиқладилар.

Президент Эмомали Раҳмон Тожикистон биродар Ўзбекистон билан ҳамкорликда эришилган бугунги юксак даражани қадрлашини, бунда Президент Шавкат Мирзиёевнинг катта ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Музокаралар чоғида келгуси ишлар учун режалар белгилаб олингани, уларнинг натижалари икки мамлакат стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш учун янги омил бўлиб хизмат қилишини қайд этди.

Кенгайтирилган таркибдаги музокаралар якунлангач, Ўзбекистоннинг Самарқанд вилояти ва Тожикистоннинг Хатлон вилоятида барпо этилган ижтимоий объектларнинг расман очилиш маросими бўлиб ўтди. Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон рамзий тугмани босиб, уларнинг фаолиятига старт бердилар.

Хатлон вилоятининг Кўбодиён туманидаги тиббиёт мажмуаси Ўзбекистон томонидан қурилган. Ушбу 250 ўринли замонавий кўп тармоқли шифохона йилига 75 минг нафар беморга хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Мажмуада жарроҳлик, урология, кўз хасталиклари, интенсив даволаш ва реанимация, педиатрия, травматология, гинекология, ҳомиладорлик патологияси, туғуруқдан кейинги тикланиш ва терапия бўлимлари мавжуд.

Мажмуа таркибидаги поликлиника бир сменада 300 нафар ва бир йилда 219 минг нафардан зиёд беморларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Тожикистон томонидан Самарқанд вилоятининг Ургут туманида умумтаълим мактаби барпо этилди. У 640 нафар ўқувчига мўлжалланган.

Мактабнинг уч қаватли биносида 26 та синф, спорт зали, фаоллар зали, ошхона, кутубхона, меҳнат дарслари ва ихтисослаштирилган машғулотлар учун синфлар мавжуд. Ўқув маскани компьютер техникаси ва лаборатория жиҳозлари билан таъминланган.

Маросимда икки мамлакат вакиллари сўзга чиқиб, давлат раҳбарларига биродар мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга, фуқароларимиз учун қулай шароитлар яратишга қаратаётган алоҳида эътибори учун миннатдорлик билдирдилар.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон Қўшма баёнот имзоладилар. Унда эришилган асосий келишувлар мустаҳкамлаб қўйилган ҳамда икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шерикликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича узоқ муддатли вазифалар белгиланган.

Давлат раҳбарлари ҳузурида ташриф доирасида имзоланган Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компаниясини ташкил этиш тўғрисида, саноат ва янги технологиялар соҳасида, тоғ-кон саноатида ҳамкорлик тўғрисида, Зарафшон дарёсида ГЭС қуриш лойиҳаси бўйича қўшма акциядорлик жамияти ташкил этиш тўғрисида, Юклар транзити тўғрисидаги битимлар, шунингдек, Дипломатик ваколатхоналар учун ер майдонларини ўзаро тақдим этиш тўғрисидаги битимга ўзгартиришлар киритиш, Фуқароларнинг ўзаро қатновлари тўғрисидаги битимга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомалар, икки мамлакат ташқи сиёсий идоралари ўртасидаги ҳамкорлик дастури ва қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси” алмашилди.

Умуман, энергетика, транспорт, автомобилсозлик, электротехника, тоғ-кон ва енгил саноат, фан, таълим, спорт ва бошқа соҳаларни қамраб олган жами 35 та ҳужжат имзоланди.

Ушбу салмоқли ҳужжатлар тўплами биродар мамлакат ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни янада, ҳар томонлама ривожлантириш, кўп қиррали шерикликни чуқурлаштириш йўлида янги натижаларга эришиш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингда Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон музокаралар ҳар доимгидек очиқ, ишончли ва дўстона руҳда ўтганини таъкидладилар.

— Биз муштарак тарих ва маданият, дин, маънавий қадриятлар ва анъаналар билан чамбарчас боғланган халқларимизнинг кўп асрлик дўстлигини жуда қадрлаймиз.

Шу ерда ўтирган оммавий ахборот воситалари вакиллари ва делегациялар аъзолари кейинги бир неча йилда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатлари тараққиётида рўй берган улкан ўзгаришлар гувоҳидир.

Тожикистон билан яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг бош ва ўзгармас устувор йўналиши, — деди давлатимиз раҳбари. — Биз кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришнинг барча масалаларини диққат билан кўриб чиқдик. Шуни қайд этмоқчиман: ҳеч бир йўналиш эътибордан четда қолмади.

Музокаралар чоғида томонлар янги “ўсиш нуқталари”ни белгилаб олдилар, келгуси йилда товар айирбошлашни икки баробар оширишни мақсад қилиб белгиладилар. Етакчилар икки мамлакат ҳудудларининг имкониятларини максимал даражада ишга тушириш, уларни туманлар даражасида “боғлаш”га келишиб олдилар.

Давлат раҳбарлари ташриф арафасида ўтказилган Ҳудудлар форуми ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишининг самарали якунларини мамнуният билан қайд этдилар.

Ўзбекистон ва Тожикистон транспорт ва транзит соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор. Музокараларда етакчилар темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспортида ташишларни кўпайтириш учун бундан буён ҳам қулай шароит яратиш тўғрисида келишувга эришдилар.

Президент Эмомали Раҳмон, ўз навбатида, аграр тармоқ, енгил, озиқ-овқат ва тоғ-кон саноатида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш товар айирбошлашнинг кўпайиши ва янги иш ўринларининг яратилишига хизмат қилишини қайд этди. У таълим ва тиббиёт соҳаларида, коронавирус пандемиясига қарши биргаликда курашишда шериклик кенгайиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Бундан ташқари, Президентлар маданият, фан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларидаги алмашинувларни фаоллаштиришга келишиб олдилар.

— Биз мамлакатларимизда барпо этилган ҳамда бугун мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва шерикликнинг янги рамзларига айланган тиббиёт маркази ва ўқув муассасаси фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу масалаларнинг барчаси икки мамлакат Бош вазирлари раҳбарлик қилаётган икки томонлама Ҳукуматлараро комиссиянинг бевосита назоратида бўлиши қайд этилди.

Президентимиз Тожикистон раҳбарининг 2025 йилни Халқаро музликларни муҳофазалаш йили, деб эълон қилиши ва Музликларни асраш халқаро фондини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусларини Ўзбекистон тўлиқ қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

— Бугунги музокаралар кўп асрлик дўстлик, ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш борасида ниятимиз жиддий ва қатъий эканини яна бир бор намойиш этди, — деди сўзининг якунида Президент Шавкат Мирзиёев. — Биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги ҳамкорликда икки биродар халқнинг равнақи йўлида аниқ, сезиларли натижаларга эришишга қаратилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Душанбе шаҳридаги “Дўстий” майдонида Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Сўнг “Кўҳи Борбад” санъат саройида Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

Тадбирда Тожикистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун Тожикистоннинг юксак мукофоти — I даражали “Зарринтож” ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди. Орденни давлатимиз раҳбарига Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари юксак эътибор учун миннатдорлик билдириб, ушбу мукофот катта ҳурмат ва ишонч ифодаси, халқларимиз ўртасидаги яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатлар эътирофи эканини таъкидлади.

Мамлакатларимиз яқин қўшни, халқларимизнинг муқаддас ерию суви, дини бир, тарихи ва тақдири, ташвишу шодликлари муштарак экани қайд этилди.

— Бир-биримизни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни ривожлантириб, катта мақсадларимизга эриша оламиз. Биз доим бир-биримизга таянч бўлишимиз, ҳар қандай қийинчилик ва синовларни елкама-елка енгиб ўтишимиз лозим, — деди Ўзбекистон Президенти.

Кейинги йилларда икки томонлама муносабатларда улкан ўзгаришлар рўй бериб, уларни Ўзбекистон ва Тожикистондаги миллионлаб одамлар ўз кундалик ҳаётида ҳис этмоқда.

— Бу Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларининг янги модели, янги муҳитида ўз аксини топмоқда. Энг муҳими, барча саъй-ҳаракатларимиз ва амалий ишларимиз халқларимиз манфаатлари ва орзу-интилишларига тўлиқ мосдир, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз икки мамлакат санъат усталарининг бундай концертлари халқларимиз ўртасидаги абадий ва самимий дўстликни ифодаловчи яхши анъанага айланганини, санъат халқларни яқинлаштиришда муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

— Инсонга турли чегаралар ўрнатиш хос бўлса, санъат чегара билмайди, унинг буюк вазифаси — одамларни бирлаштириш. Меҳр-оқибатли бўлиш, тинч-тотув яшаш — халқларимизнинг азалий орзуси ва самимий интилишидир. Биз ҳам, икки давлат раҳбарлари — ўртамиздаги чегаралар бизни ажратишга эмас, фақат бирлаштиришга хизмат қилиши учун бундан буён ҳам ҳаракат қиламиз.

Тинчлик ва осойишталикни асраш, келажак авлодлар учун мамлакатларимизнинг барқарор ва изчил тараққиётини таъминлаш — умумий бурчимиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Концерт дастурида истеъдодли санъаткорлар халқларимиз маданиятининг бойлиги, ўзига хослиги ва шу билан бирга, муштараклигини намойиш этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНИНГ ДЕПУТАТИ САФАР ОСТОНОВ



Ўзбекистон матбуоти оғир жудоликка учради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана" газеталарининг бош муҳаррири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Сафар Остонов шу йил 9 июнь куни 73 ёшида вафот этди.

Сафар Остонов 1948 йилда Самарқанд вилоятида туғилди. 1972 йили Тошкент давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)ни журналистика мутахассислиги бўйича тамомлади.

Ижодий фаолиятини 1971 йили ҳозирги "Ёшлар овози" газетасида бошлаб, турли лавозимларда ишлади. 1990 — 1996 йилларда "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари бош муҳаррири сифатида фаолият кўрсатди.

1996 — 2002 йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул вазифаларда хизмат қилиб, оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва маънавий пойдеворини мустаҳкамлаш, соҳани замон талаблари асосида ривожлантириш жараёнларида фаол иштирок этди.

Таниқли журналист 2002 йилдан умрининг охирига қадар "Ўзбекистон овози" — "Голос Узбекистана" газеталарининг бош муҳаррири лавозимида самарали меҳнат қилди.

С. Остонов мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, кенг кўламли ислоҳотларнинг маъно-мазмунини жамоатчиликка етказиш, миллий қадриятларни тарғиб этиш, ахборот соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

2020 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати сифатида самарали фаолият юритиб, қонун ижодкорлиги соҳасида ўзининг бой билим ва тажрибасини ёрқин намоён этди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан сўнгги йилларда олиб борилаётган халқ билан бевосита мулоқот қилиш асосида жамиятимиз ҳаётини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама ривожлантириш борасида, айниқса, жонбозлик кўрсатди.

Маҳоратли журналист Сафар Остонов ижтимоий ҳаётдаги кўплаб долзарб ва кескин муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларни холис ва ҳаққоний ёритадиган, фаол гражданлик позицияси, ватанпарварлиги билан кенг жамоатчилик ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган ўткир қалам соҳиби эди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг фаол аъзоси сифатида у ўнлаб истеъдодли ёшларга журналистика соҳасининг сир-асрорларини ўргатиб, уларнинг салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, беғараз хизмат қиладиган меҳрибон ва талабчан устоз сифатида танилган эди.

Ўзбек матбуотининг кўзга кўринган намояндаси, таниқли жамоат арбоби Сафар Остоновнинг давлатимиз ва халқимиз олдидаги хизматлари муносиб баҳоланиб, у "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвони билан тақдирланган эди.

Истеъдодли публицист, камтарин ва самимий инсон Сафар Остоновнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси.**

# ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

*Мамлакатда ишсизлик даражасини пасайтириш, ишга лаёқатли фуқароларнинг меҳнат қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда иш излаётган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини кенгайтириш Ҳаракатлар стратегиясида устувор вазифалардан қилиб белгиланган. Фуқароларнинг ушбу йўналишдаги ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялаш мақсадида қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, меҳнат муносабатларини тартибга солишга бевосита дахлдор қонунчилигимиз йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани эътиборга молик.*

## Парламент назорати

Энг муҳими, ҳар йили аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси шакллантирилиб, ишсиз аҳоли қатламининг бандлигига эришиш борасида муайян саъй-ҳаракатлар олиб бориляпти. Қабул қилинган Давлат дастурига асосан бу йил 457,1 мингта доимий янги иш ўрни очиш белгиланди.

Вазифалар аниқ, режалар катта. Лекин бу амалдаги ишлар рисоладагидек кетаётганини англатмайди. Депутатлар сайлов округларидаги фаолияти давомида иш ўрни реаллиги, бандликни таъминлашга кўмаклашиш масалаларида муаммоли ҳолатларни аниқлаётир.

Бу бандликни таъминлаш ва янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича давлат буюртмасининг шакллантирилиши ҳамда унинг бажарилиши устидан самарали ҳамда таъсирчан парламент назоратини олиб боришни тақозо этмоқда. Шунинг учун Халқ демократик партияси парламентдаги "ҳукумат соати"да Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳисоботини эшитиш ташаббуси билан чиқди.

"Ҳукумат соати"да мамлакатдаги вазият муҳокама марказида бўлди. Тўғри, натижалар, ютуқлар бор. Лекин парламентда муҳокама ўтказишдан мақсад эътироф этиш эмас, муаммолар ечимини муҳокама қилишдир.

Бандлик дастурини амалга оширишда қатор камчиликлар кузатиляпти. Жумладан, ҳудудий инвестиция дастури доирасида Андижон вилоятининг Жалақудуқ, Олтинкўл туманларида, Жиззах вилоятининг Арнасой, Пахтакор туманларида, Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пайариқ туманларида, Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманида, Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида, Фарғона вилоятининг Олтиариқ, Учкўприк туманларида лойиҳалар ишга туширилмаганлиги натижасида иш ўрни яратилмаган. Аҳолини якка тартибдаги тадбиркорликка жалб қилиш йўналишида биргина Ғиждувон туманида ўтган 4 ойда 609 та иш ўрни яратилган бўлса, Янгиобод (15 та), Мингбулоқ (19 та) ва Ширин (24 та) шаҳрида бу борадаги ишлар етарли даражада ташкил этилмаган. Айниқса, Андижон, Қашқадарё, Сирдарё, Жиззах ҳамда Тошкент вилоятларининг қатор туманларида аҳоли бандлигини таъминлаш режаси бажарилмаган.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан ушбу йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки коронавирус пандемияси шароитида ишсизликни камайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш долзарб ижтимоий масала. Биз, депутатлар дастур ижросини жойларга чиқиб ўрганяпмиз. Бу борада хавотирларимиз йўқ эмас, албатта. Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни сусайтириб ёки ортга суриб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан, вазирликка депутатлар томонидан аниқ саволлар берилди, таклифлар ўртага ташланди.

Жумладан, аҳоли вакиллари томонидан тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, хусусан, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган фуқаролар учун субсидия, касбга ўқимоқчи бўлган эҳтиёжманд аҳолига компенсация маблағлари берилиши борасида бир қанча масалалар кўтарилди. Бундан ташқари, ўтказилган таҳлиллар жойларда ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш бўйича ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатмоқда.

Соҳадаги кадрларнинг билимсизлиги, лоқайдлиги, Давлат дастури ижросига нисбатан бепарволиги туфайли бу борадаги ишлар ўлда-жўлда. Қолаверса, фуқароларни ўқитишга ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланилмаётганлиги ташвишли ҳол, албатта.

Жойларда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари ҳузурида ташкил этилган Кунлик меҳнат марказларининг фуқаролар бандлигини таъминлашдаги ўрни сезилмаяпти. Шунинг учун партиямиз вакиллари ижтимоий шериклари билан биргаликда доимий иш жойига эга бўлмаган, оғир ижтимоий вазиятда қолган ишсизларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида депутатлик ва жамоатчилик назорати тарзида "мардикор бозорлари"ни ўрганиб чиқиб, шу аснода фуқароларни вақтинча бир марталик иш билан таъминлашга оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар нега иш бермаётганининг сабабларини аниқлаштирувчи саволларни ўртага ташлади.

Бугунги кунда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари таркибида расмий равишда 31 та Кунлик меҳнат маркази фаолият юритмоқда. Кунлик меҳнат марказларига 2021 йил январь — март ойлари давомида 5,1 минг нафар фуқарога вақтинчалик иш топишида кўмаклашилган, шундан 728 нафари аёлларни ташкил этган. Вақтинча, мавсумий ва бир марталик ишларда банд бўлган фуқаролар, асосан, малакасиз ишчилар ҳисобланади.

Аммо таҳлиллар бу йўналишда ҳам муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. Энг аввало, ҳудудларда таклиф этилаётган бўш (вакант) иш жойларининг камлиги, шунингдек, кунлик ишларда банд кишиларнинг аксарияти касбий малака ва кўникмаларга эга эмаслиги сабабли доимий иш топишда қийинчиликларга учрамоқда. Доимий иш ўринларида ойлик иш ҳақи пастлиги сабабли фуқаролар кундалик ишларда ишлашни маъқул кўряпти. Кунлик меҳнат билан бандлар кўп ҳолларда бир ойда тўрт-беш кун вақтинча ишлар билан банд бўлади ва ойнинг қолган кунларида уй хўжалиги ишларида ишлашни афзал кўради. Уларнинг аксарияти бандлик ва меҳнат муносабатларига оид қонунчиликни яхши билмаслиги натижасида давлат томонидан белгиланган кафолатлардан фойдаланмайди.

"Ҳукумат соати"дан келиб чиқадиган хулоса ва таклифлар шундан иборатки, тармоқ ҳамда ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар ўз муддатида ишга туширилиши мониторингини назорат қилиш мақсадида онлайн электрон дастурни ишлаб чиқиш, янги иш ўринлари ташкил этиш билан боғлиқ дастур ва лойиҳалар ижросини тўлиқ бажариш ҳамда ишсиз, "темир дафтар", "аёллар дафтари" ва "ёшлар дафтари"га киритилган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатишни жадаллаштириш зарур.

Партиямиз фракцияси, жойлардаги депутатлик бирлашмаларимиз бандлик дастури ижроси бўйича доимий назоратни амалга оширади, муаммоли ҳолатларни ҳал этишга яқиндан кўмаклашади.

**Улуғбек ИНОЯТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари.**

## Паррандачилик:
# ХАРАЖАТ КАМ, ДАРОМАД ЭСА ЮҚОРИ

*Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, фермерлик, кластерлик ҳаракатининг кенг йўлга қўйилиши қишлоқ аҳолисининг ҳаётида туб бурилиш ясади. Хусусан, ернинг ҳақиқий эгасига топширилиши мулк шаклини ўзгартирибгина қолмай, қишлоқ ҳаётини ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.*

*Бугун одамларимиз фақат пахта ва ғалла етиштириш билан чекланиб қолмасдан, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа ижтимоий-иқтисодий фаолият турлари билан ҳам шуғулланмоқда, кўп тармоқли фермер хўжалиги, кластерлар ташкил этилаётир. Эндиликда улар аграр соҳанинг сердаромад тармоқлари — чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, қуёнчилик, асаларичилик фаолиятини йўлга қўйиб, янги мақсадлар сари изланмоқда.*



## Муносабат

Куни кеча Президентимиз раислигида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида айнан шу соҳалардаги долзарб масалалар атрофлича таҳлил қилинди. Муҳими, ушбу масалаларнинг аниқ ечимлари кўрсатиб берилди.

Мутахассислар фикрича, иқтисодий етакчи давлатларда ҳам паррандачиликка катта эътибор қаратилади. Чунки айнан паррандачилик аҳолининг гўшт, умуман, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришда асосий аҳамият касб этади, шунингдек, одамларнинг иш билан банд бўлишига ҳисса қўшади.

Хўш, Ўзбекистонда соҳанинг бугунги аҳволи қандай, аҳолининг парранда гўшти ва тухумига бўлган талаби тўла таъминланганми?

Ўз фаолиятимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, парранда саноатини қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар белгиланганi биз учун айни муддаодир. Тухум учун субсидия миқдори 3, парранда гўшти учун 2 баравар ошириладиган бўлди. Янада аҳамиятлиси, омихта ем ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга айланма маблағни тўлдириш ҳамда паррандачилик лойиҳалари учун кредитларнинг Марказий банк асосий ставкасидан юқори қисми қоплаб бериладиган бўлди.

Ўз навбатида, бу каби қулайликлар бизни янада кўпроқ меҳнат қилишга ундайди. Мана, бир неча йилдан буён фермер хўжалигимиз наслли паррандачиликни янада ривожлантириш, соҳага илғор технология ва инновацион ишланмаларни жорий этиш, парранда озуқасини ишлаб чиқариш ҳамда экспорт кўламини кенгайтиришда мамлакат бўйича етакчилик қилиб келяпти. Паррандачилик тармоғини кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини ошириш мақсадида Венгриядан "Ross — 308" бройлер наслли жўжаларини олиб келганмиз.

Юртимизда биринчи бўлиб Россия ва Қозоғистонга инкубацион тухум экспорт қилишни бошлаганмиз. Ўтган йили 4 миллион 531 минг АҚШ долларилик, жорий йилнинг январь — май ойларида эса 3 миллион долларлик маҳсулот Россия, Афғонистон, Қозоғистон ҳамда Тожикистонга экспорт қилинди.

Камбағалликни қисқартириш йўналишида ишсизликни камайтиришга ҳам ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Ўтган даврда 20 нафарга яқин кам таъминланган оилалар фарзандларини ишга олдик. Шунингдек, кооперация усулида 40 та хонадонга 5 мингтадан жўжа ва озуқа-ем тарқатиб, маҳсулотни ўзимиз сотиб оляпмиз. Ветеринария хизмати ҳам фермер хўжалигимиз мутахассислари томонидан кўрсатиб келиняпти.

Корхонамизнинг ўзида озуқа-ем ишлаб чиқариш, инкубацион цех ҳамда парранда кушхонасининг ташкил этилгани боис тухум таннархининг 25 фоиз арзон бўлишига эришяпмиз.

Умуман, қулай иқлим шароити, хом ашё базаси, табиий ер майдони етарли экани вилоятимизда паррандачиликни янада ривожлантириш имконини беради.

**Заршед МУҲАММАДИЕВ,
«Жомбой наслли парранда» кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари.**

## «Ташаббус — 2021»

# Кўрик-танлов ғолиблари аниқланди

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида анъанавий тарзда ҳар йили ўтказиб келинаётган "Ташаббус — 2021" кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.*

Унинг шаҳар ва туман босқичларида 800 дан ортиқ тадбиркорлар, фермерлар ҳамда ҳунармандлар иштирок этиб, улардан 63 нафари вилоят босқичига йўлланма олган эди. Урганч шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган тадбирда танловнинг вилоят босқичи ғолиблари аниқланди.

Якуний натижаларга кўра, "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Боғот туманидаги "Перфект Логистик" МЧЖ раҳбари Ҳамдам Худойназаров, "Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналишида Урганч шаҳридаги "Wolfsoft" хусусий корхонаси раҳбари Ҳакимбой Йўлдошев, "Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори" йўналишида "Хонқа чорва капитал" оилавий корхонаси раҳбари Шохрух Қаландаров, "Йилнинг энг яхши фермери" йўналишида Гурлан туманидаги "Ихлосбек" фермер хўжалиги раҳбари Расулбек Ҳасанов ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналишида хивалик Одамбой Машарипов ғолиб деб топилди.

Ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Одилбек ОДАМБОЕВ
(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

## Яшнобод туманидаги умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ошхоналарини ижарага бериш бўйича танлов

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида соғлом овқатланишни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Яшнобод туманидаги умумтаълим мактабларида соғлом овқатланишни ташкил этиш мақсадида ошхоналарни ижарага бериш бўйича танлов эълон қилинади.**

Танловда иштирок этувчиларнинг аризалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 майдаги 132-сон қарорида белгиланган ҳужжатлар асосида, 2021 йилнинг 10 июлига қадар соат 9.00 дан 18.00 гача Яшнобод тумани, Мўйноқ кўчаси, 26-уй (216-мактаб биноси)да қабул қилинади.

Ошхонаси танловга қўйиладиган Яшнобод туманидаги таълим муассасалари рўйхати ва манзиллари:

| Т/р | Муассаса номи | Манзили | Иш телефони |
|---|---|---|---|
| 1. | 23-мактаб | Сокин кўчаси, 57-уй | 71-294-19-46 |
| 2. | 30-мактаб | Мурғоб кўчаси, 109-уй | 71-291-64-83 |
| 3. | 67-мактаб | Ҳуснобод кўчаси, 81-уй | 71-298-18-98 |
| 4. | 156-мактаб | Жарқўрғон кўчаси, 4-уй | 71-291-63-36 |
| 5. | 227-мактаб | Ҳуснобод кўчаси, 39-уй | 71-298-09-96 |
| 6. | Тошкент туризм ва меҳмонхона менежменти техникуми | Махтумқули кўчаси, 2-муйилиш, 1-уй | 71-289 52 50 |

**Танлов 2021 йилнинг 14 июль куни соат 10.00 да 216-мактаб биносида ўтказилади.**

**Танловга оид қўшимча маълумотларни олиш учун yashnobodtxtb@xtv.uz электрон почта манзилига ва 94-544-44-52 телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz
02

## БАРЧА ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР, ШУ ЖУМЛАДАН, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 апрелдаги "Аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан ўз вақтида таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ — 4268-сонли қарорига мувофиқ ҳамда "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти тизимидаги "Surxondaryo Agroservis MTP" МЧЖнинг "Angor Agroservis MTP 2017" МЧЖ устав жамғармасидаги улушлари бўйича "Surxondaryo mulk markazi" МЧЖ очиқ танлов савдоларига таклиф этади.***

Очиқ танлов савдосига "Angor Agroservis MTP 2017" МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши "Angor Agroservis MTP 2017" МЧЖнинг ягона таъсисчиси "Surxondaryo Agroservis MTP" МЧЖ кузатув кенгаши йиғилишининг 2021 йил 7 июндаги 02-сонли баёни ва "Surxondaryo Agroservis MTP" МЧЖнинг 2021 йил 7 июндаги 1/3-50-буюртманомасига асосан қўйилмоқда. Ангор тумани, Наврўз маҳалласи, А. Навоий кўчаси, 2-уйда жойлашган "Angor Agroservis MTP 2017" МЧЖнинг устав фондидаги 100 фоиз улуши. Балансда сақловчи: "Surxondaryo Agroservis MTP" МЧЖ. Фаолияти ихтисоси: қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларига механизация ва сервис хизмати кўрсатиш.

**Бошланғич нархи қўшилган қиймат солиғисиз — 3 706 599 047 сўм.**

Танлов савдосининг асосий шартлари:

1. Хабарнома чоп этилган кундан бошлаб, белгиланган танлов савдоси санасига танлов таклифларини қабул қилиш муддати якунлангунча сотувчининг ҳисоб рақамига улуш бошланғич нархининг 100 фоизини олдиндан тўлаб бериш;

2. Улушнинг бошланғич бозор баҳосидан кам бўлмаган миқдорда энг юқори сотиб олиш қийматини қўшилган қиймат солиғи билан таклиф қилиш;

3. Сотиб олиш қийматини сотувчига олдиндан тўланган тўловдан қолган қисмини энг қисқа муддатда, лекин уч ойдан кўп бўлмаган вақтда тўлаш бўйича таклифлар;

4. Танловда республика резидентлари (якка тартибдаги ва юридик шахс сифатида фаолият юритувчи тадбиркорлар ва ишбилармонлар) ёки норезидентлари (чет эллик тадбиркорлар ёки уларнинг вакиллари) иштирок этишлари мумкин;

5. Танлов савдоларида қатнашувчи талабгорлар томонидан савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат пули тўғрисида келишувга асосан, улуш бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини танловда эълон қилинган ҳисоб рақамига тушириши керак.

6. Танловда қатнашиш учун талабгор ёки унинг ваколатли вакили савдолар ташкилотчисига очиқ танлов тўғрисидаги хабарномада белгиланган муддатларда шахсан ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади: юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик низом, гувоҳномасининг нусхаси, жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхасини илова қилган ҳолда;

7. Танлов иштирокчиси елимланган биринчи ва иккинчи нусхадан иборат иккита конвертга солинган, объектнинг харид нархи ҳамда сотувчи белгилаган бошқа шартлар бўйича таклифлар ва унга илова қилинган танлов савдолари юзасидан ўз бизнес режасида қуйидагиларни ёритиши зарур:

— машина-трактор паркининг асосий фаолияти (механизация ва сервис хизмати кўрсатиш) турини икки йил ичида ўзгартирмасдан, узлуксиз самарали ишлашини таъминлаш;

— мавжуд ишчи ўринларини сақлаб қолиш ва кенгайтириш;

— машина-трактор паркининг мавжуд ишлаб чиқариш потенциалини модернизация қилиш, замонавий дастгоҳ (станок)лар ва ускуналар сотиб олиш ҳисобига сервис хизматлари турини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилаш, жами киритиладиган инвестиция бўйича таклиф;

— жамиятдаги бўш ер майдонлари, мавжуд бино ва иншоотларда тадбиркорликнинг бошқа фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда қўшимча инвестиция киритиш бўйича аниқ таклифлар, натижада барпо қилинадиган қўшимча иш ўринлари;

— машина-трактор парки ишчи-хизматчиларининг иш ҳақидан бўлган қарздорликни биринчи навбатда сўндириш юзасидан таклифлар;

— иштирокчининг бошқа таклифлари ва уларнинг самарадорлиги.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варағи талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиш ҳамда танлов савдосини ўтказиш 2021 йил 14 июль куни соат 11.00 да Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг мажлислар залида бошланади. Таклифларни очиш вақтида ўрнатилган тартибда қатнашаётган иштирокчилар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин. Танлов таклифларини қабул қилиш муддати 2021 йил 13 июль куни соат 18.00 да тўхтатилади. Таклифлар тушмаган ёки танлов ўтказилмаган тақдирда такрорий танлов савдолари 2021 йилнинг 30 июль, 17 август, 6 ва 22 сентябрь кунлари соат 11.00 да ўтказилади, такрорий савдоларга танлов таклифларини қабул қилиш бир иш куни олдин соат 18.00 да тўхтатилади. Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб савдо ғолибига 10 банк иш куни муддатда жамиятнинг ягона иштирокчиси "Surxondaryo Agroservis MTP" МЧЖ ва "Ўзагросервис" АЖ билан уч томонлама олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар улуш бошланғич нархининг 5 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан закалат пулини (ариза-буюртманома топширилгунига қадар) савдо ташкилотчиси "Surxondaryo mulk markazi" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: "Траст банк" ХАБ Термиз филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000904941294001, МФО: 01063, СТИР: 302125729. Танлов савдолари ва танлов ҳужжатларини тўлдириш билан боғлиқ бўлган барча масала бўйича мурожаат учун манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 19-уй.

**Телефон: 99-424-87-57.
веб-сайт: www.rmm.uz
электрон почта манзили:
user100@inbox.uz
Гувоҳнома 972.**

**Савдоларга марҳамат қилинг!**

## Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

# КЕЛАЖАКНИНГ «ОЛТИН ЗАХИРАСИ»

*Ёшлар — келажагимиз эгалари, эртамиз ворислари. Шу боис кейинги йилларда ёш авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг орзу-ниятларини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиляпти.*

Шулар хусусида гап кетганда, таъкидлаш керакки, уларнинг шахс сифатида шаклланишида аҳамият берилиши лозим бўлган бир қатор масалалар кун тартибига чиқади.

Биламизки, жамият ва инсоният ҳаёти доимий қарама-қаршиликлардан таркиб топади. Айниқса, йигит-қизлар ҳаётида бу ҳолат кўзга яққол ташланади. Шу боис уларнинг шахс сифатида камол топиши, жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши, жамиятнинг бошқа аъзолари томонидан тан олиниши, хатти-ҳаракатларининг юқори баҳоланиши — уларнинг табиий, руҳий ва маънавий эҳтиёжлари ҳисобланади.

Ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши тўртта асосий, яъни жисмоний, ақлий, маданий, ижтимоий йўналишда кечади. Дастлабки уч йўналишни тушуниш осон. Тўртинчи йўналишни эса тушуниш ҳам, амалга ошириш ҳам нисбатан қийинроқ. Бу вазифани бажариш учун педагогика фани ўзининг "Ижтимоий педагогика" қисмида муаммони махсус ўрганади ва унинг амалий жиҳатларини тўлақонли тадқиқ қилади.

Навқирон авлоднинг ижтимоийлашуви муаммосини ўрганиш, улар онгида ва кундалик хатти-ҳаракатида замон ҳамда давр талабларини акс эттириш билан "Ижтимоий психология" фани ҳам шуғулланади. Йигит-қизлар тафаккурида ўзи яшаётган замонни ҳис қилиш, давлат, қонун, сиёсат, вазият, ҳолат, кайфият, ҳаракат ҳодисаларини ўзаро мутаносиб шаклда ифода эттириш психологиянинг ижтимоий йўналиши учун муҳим вазифадир.

Ижтимоийлашув ҳодисасининг айнан ёшларда кечиши педагогика ва психология фанлари нуқтаи назаридан долзарб ҳамда аҳамиятли. Чунки орзуларга берилиш, тезроқ ва кўпроқ натижага эришиш, ниманидир янгилаш, амалдагисини ўзгартириш, эришилган натижадан қониқмаслик, ўзини кўрсатиш, бошқаларни қойил қолдириш орқали ўзини тасдиқлатиб олишга интилиш уларга хос бўлган руҳий ҳолат ҳисобланади. Аксинча, эҳтиёткорлик, босиқлик, совуққонлик, "етти ўлчаб, бир кесиш" катталарга хос бўлган хусусиятлардир.

Ёшларнинг ўзлари яшаётган давр муҳитига мослаша олмаслиги ва уни ўзгартиришга, бошқачароқ, жозибалироқ, қулайроқ ҳамда ихчамроқ қилишга уринишлари — факт.

Олти минг йиллар олдинги даврга оид бўлган папирусларда "Бугун ҳаёт бошқача, болалар ота-оналарининг гапига кирмай қўйган" деган ёзув бор. Орадан икки минг йиллар ўтгач, бошқа битикда: "Ёшлар доғули ва беҳафсала. Улар аввалги ёшларга сира ўхшамайдилар", деган ёзувни ўқиймиз.

Моҳиятан қараганда, авлодлар ўртасидаги қарама-қаршилик ва зиддиятлар — тараққиёт ҳамда ривожланишнинг асоси ҳисобланади. Агарда шу зиддиятлар бўлмаганда ҳозирги цивилизация, буюк ихтиролар, умуминсоний аҳамиятга молик кашфиётлар бўлмасди. Шу боис ёшларнинг ўзларидан олдинги авлодга нисбатан қарама-қарши позицияда бўлишларини бутун инсоният ривожи нуқтаи назаридан ижобий баҳолаш зарур.

Ижтимоий ҳаёт тартиблари, жамият ичидаги ўзаро муносабатлар унинг аъзоларига, хусусан, ёшларга кўпроқ таъсир кўрсатади. Жамиятдаги соғлом муҳит соғлом авлодни шакллантирса, носоғлом муҳит инқирозга олиб борувчи авлодни шакллантиради. Чунки ижтимоий ҳаётнинг объектив талабларига мувофиқ фикр юритиш, фаолият кўрсатиш, мослашиш — кишининг ўша муҳитда ҳаёт кечиришини, "қоқилмаслигини" таъминлайди.

**Ёшларнинг ижтимоий ҳаётга фаол аралашуви уларнинг ўз соҳалари бўйича олган мукаммал билим ва тажрибалари билан чекланиб қолмайди. Ижтимоий фаол фуқаро ўзининг ижтимоийлашувини қуйидаги омиллар билан ифода этади:**

— ижтимоийлашган шахс, авваламбор, ўзи яшаётган макон ва замон хусусиятларини аниқ билади;
— кундалик фаолиятини ижтимоий муҳит ва ижтимоий талаблар асосида тўғри ташкил қилади;
— давр ва сиёсий муҳит билан ижтимоий муҳитни омухта шаклда тасаввур қила олади ҳамда ўзининг ҳаётида ижтимоий воқеликдан тўғри фойдаланади;
— шахсий, оилавий, касбий ҳаётида ижтимоий меъёрларни тўғри қўллайди, жамият талабларидан ташқарига чиқиб кетмайди, жамоадан ажралмайди;
— шахслараро муносабатда ижтимоий масофани сақлай олади.

Шундай қилиб, ёшларнинг ижтимоийлашуви, бу муҳим педагогик ва психологик масала бўлиб, таълим ҳамда тарбия соҳаси мутахассислари ва мутасаддилари олдига бир қатор долзарб вазифаларни қўяди. Зеро, тўғри ташкил этилган тарбиявий фаолият фарзандларимиз ҳаётининг сермазмун, завқли, интеллектуал, фаровон, демакки, бахтли бўлишини таъминлайди.

**Дилмурод МУҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти, педагогика фанлари номзоди.**



*Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини, жумладан, ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, бундай шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш, жамият ҳаётида фаол бўлишига кўмаклашиш юзасидан аниқ ишлар қилинди.*

**Ижтимоий ҳимоя**

## ТАШХИС ВА ДАВОЛАШДА

# ИННОВАЦИОН УСЛУБ

Хусусан, охирги тўрт йилда 27 та тиббий-ижтимоий муассасада 267,2 миллиард сўмлик қурилиш-реконструкция ишлари бажарилиб, замонавий талабларга мос бўлган 1 минг 327 та ўрин фойдаланишга топширилгани, соғломлаштирилган кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар сони 43 минг нафарни ташкил этиб, 20 фоизга ортгани, ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ҳамда реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тагача кўпайтирилгани фикримизнинг тасдиғидир.

Президентимизнинг "Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, "Саховат" ва "Мурувват" интернат уйлари тизимини янада ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони ана шундай эзгу мақсад йўлида қўйилган яна бир муҳим қадам бўлди.

Хоразм вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказида мазкур Фармон ижросини таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Марказ биноси 2009-2010 йилларда янгидан қуриб, ишга туширилди. Бу ерда қабул-диагностика, физиотерапия хамда даволаш физкультураси, лаборатория, неврология, терапия, травматология, реабилитация, хирургия бўлимлари ва жарроҳлик блоки фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда 41 минг 493 нафар катта ва кичик ёшдаги ногиронлиги бор шахслар истиқомат қилади. Биз 50 ўринлик стационар шароитида, бундан ташқари, 50 ўринда хўжалик хисобидаги пуллик хизмат бўлимида йилига 2 минг нафар ногиронлиги борларга ва 3 мингга яқин ногиронлиги бўлмаган беморларга тиббий реабилитация, диагностика ҳамда даволаш ёрдами кўрсатиб келмоқдамиз. Бу жараёнда 21 нафар олий, биринчи, иккинчи категорияли ҳамда тиббиёт фанлари номзоди ҳисобланган шифокорлар, 64 нафар ҳамшира, 45 нафар бошқа ходимимизнинг билими, тажрибаси ва меҳнати таҳсинга сазовор.

Албатта, тиббий реабилитация, диагностика ва даволаш ишларини ташкил этишда замонавий тиббий жиҳозлар ниҳоятда қўл келмоқда. Бизда жами 54 турдаги тиббий диагностик ҳамда даволаш ускуналари, жумладан, энг замонавий физиотерапия аппаратлари, ультратовуш, электрофорез, лазер, зарбли тўлқинли терапия, лимфадренаж, магнитотерапия, тракцион кроват, электротерапия ва реабилитация учун тренажёрлар мавжуд.

Тиббий диагностик ва даволаш ишларига янги тиббий технологияларни жорий этиш натижасида миллий марказ билан ҳамкорликда чаноқ сон ҳамда тизза бўғимларини протезлаш операцияси йўлга қўйилган бўлиб, бундан ташқари, хирургик, ортопедик, травматологик, отоларингологик, урологик жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Қолаверса, "Понсети" усулида маймоқликни ва эркаклар бепуштлигини даволаш йўлга қўйилган.

Марказимиз ўтган йилнинг 24 мартидан карантин муносабати билан аввалига провизор шифохона сифатида, кейинчалик эса госпитал шифохона сифатида фаолият олиб борди. Пандемия даврида ҳам 911 нафар ногиронлиги бўлган шахс реабилитация қилиниб, 16 тасида турли хил жарроҳлик амалиёти ўтказилди, 101 нафар фуқаро протез-ортопедик маҳсулотлар билан таъминланди. Жорий йилнинг уч ойи давомида эса 436 нафар ногиронлиги бор шахс тиббий-ижтимоий реабилитациядан ўтказилиб, уларнинг аксариятига протез-ортопедик маҳсулотлар тақдим қилинди.

Шунингдек, ногиронлиги бўлган шахслар билан якка тартибда реабилитация дастурлари ишлаб чиқилиб, зарур бўлганда касб танлаш ва таълим олиш, оилавий турмушга мослашиш борасида маслаҳатлар бериб борилмоқда. Масалан, 40 нафар ногиронлиги бор шахсга ишга жойлашишга, 26 нафарига билим олиш борасида тавсиялар ҳамда 50 нафарига касбий йўналиш, 20 нафарига ҳуқуқий маслаҳат ва 20 нафарига ҳуқуқий ёрдам берилди.



Қувонарлиси, марказимизда инновацион янги даволаш усулларини қўллашга киришдик. Мисол учун, тажрибали шифокорларимиздан бири — травматолог Баҳром Абдикаримов янги жарроҳлик амалиётини, яъни тизза бўғимини эндопротезлаш, шифокор-травматолог Элмурод Сўпиев "Понсети" усули бўйича гипсли боғлам билан даволаш усулини татбиқ этмоқда.

Бундай мисолларни эса кўплаб келтириш мумкин.

Айни чоғда марказда "калунология" бўйича беморларни диагностик текшириб, юрак-қон томир касалликларининг олдини олиш мақсадида ВЭМ, Холтер, СМАД ускуналари билан жиҳозлаш, юрак-қон томир касалликлари бўйича ногиронлик реабилитациясини кучайтириш ва сифатли хулосалар бериш, электросон, диабетик стопа, болалар учун ЛФК хоналарини ташкил қилиш каби кўплаб ишларни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Кўпчилик ногиронлиги бор шахслар мамлакат сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этишни исташади. Бунинг учун, биринчи навбатда, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларга қулай ҳаётни таъминлаш, қўшимча шароитлар яратиш, шунингдек, уларга нисбатан муносабатни ўзгартириш, атрофдагиларни уларнинг жамиятда тўлиқ ва тенг ҳуқуқли иштироки ҳақида хабардор қилиш ўта муҳим ҳисобланади.

Аслида ҳам ногиронлиги бўлган ва нафақа ёшидаги фуқаролар, ёрдамга муҳтож кишилар холидан хабар олиш, уларга меҳр улашиш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бизнинг жамоамиз ушбу анъанага содиқ қолган ҳолда аҳоли билан ҳамнафас бўлиб, уларнинг ишончини қозониш йўлида астойдил ҳаракат қилиб келмоқда. Бунинг замирида ақлан ва жисмонан нуқсони бор фуқароларимиз ҳуқуқларини ҳимоялаш, турмуш шароитларини яхшилашдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Акмал ИСКАНДАРОВ,**
**Хоразм вилояти ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази директори.**

Реклама ўрнида

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

### МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ҚАМРОВИ ОШМОҚДА



*Андижон вилоятида сўнгги ҳафтада 500 дан ортиқ давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ўз фаолиятларини бошлаши натижасида мингта янги иш ўрни яратилди. Янги боғчалар бир йўла 12 минг нафар кичкинтойни ўз бағрига олди.*

— Бугунги кунга келиб мактабгача таълим ташкилотларининг сони 2 минг 258 тага етди. Муҳими, уларда жаҳон тажрибасида синовдан ўтган услубларга асосланилмоқда, — дейди вилоят Мактабгача таълим бошқармаси ахборот хизмати раҳбари Олимбек Турсунов. — Аксарият, мактабгача таълим муассасаларида онлайн таълим тизими ташкил этилган бўлиб, ота-оналар уйида, иш жойида туриб ҳам фарзандларининг боғчадаги ҳаракатларини, машғулотлардаги иштирокини кузатишлари мумкин.

Асосийси, олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида шу вақтга қадар бирорта болалар боғчаси бўлмаган йигирмата маҳаллада 36 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очилди. Натижада яна 900 нафар болажон мактабга қадар таълимга қамраб олинди. Умуман, вилоятдаги болажонларнинг 68 фоизи боғчага қатнайди.

**Саминжон ҲУСАНОВ («Халқ сўзи»).**

### БУХОРОДА ИЛК БОР ОРГАНИК ПАХТА ЕТИШТИРИЛМОҚДА

*Дунёда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ошмоқда. Шундан келиб чиқиб, "BCT CLUSTER AGROKOMPLEKS" масъулияти чекланган жамияти Бухорода илк бор органик пахта етиштиришни йўлга қўйди.*

Ромитан туманида фаолият кўрсатаётган мазкур корхона далаларининг 105 гектари айнан шу мақсад учун ажратилган.

— "Органик пахта етиштириш" лойиҳаси Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва "CONTROL UNION" халқаро сертификатлаш ташкилоти билан биргаликда амалга оширилмоқда, — дейди лойиҳа бош координатори Иноят Нуров. — Бинобарин, лойиҳани рўёбга чиқаришнинг масъулияти, ўзига хос талаблари бор. Чунончи, экишда кимёвий ишлов берилган уруғлик чигитдан, ғўза парвариши жараёнида карбамид, аммофос каби синтетик ўғитлардан фойдаланиш, заҳарли химикатларни қўллаш тақиқланади. Барча ишни бирма-бир ёзиб бориш, ҳужжатларни сақлаш талаб этилади. Бу сертификатлаш жараёнида асқатади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, органик пахта етиштириш жаҳон бозорига кириш имкониятини кенгайтиради, қўшимча қийматли миллий маҳсулот ишлаб чиқариш сари йўл очади.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

# ЯЙДОҚ ЕРДАГИ ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

*"Микрокредитбанк" кўмаги билан қўшимча иш ўринлари яратилиб, янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда.*

*Жаҳон хўжалигига интеграллашув жараёнларида импорт ўрнини босиш сиёсатини амалга ошириш ҳар қандай мамлакат учун иқтисодий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг мажбурий чорасига айланиб бормоқда. Зеро, бу сиёсатни тўғри ҳамда самарали йўлга қўйиш мамлакатнинг импортга боғлиқлик даражасини камайтириб, иқтисодий барқарорликка эришиш имкониятини вужудга келтиради.*

MIKROKREDITBANK



**Пресс-тур**



Шу маънода, "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан молиялаштирилаётган йирик лойиҳалар улушида импорт ўрнини босувчи ва экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалар салмоғи ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Шундай лойиҳалардан бири — Сирдарё вилоятидаги трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Elegant Fiber Textile" масъулияти чекланган жамиятига молия муассасаси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун пресс-тур ташкил этилди.

Корхона фаолияти билан танишиш жараёнида шунга амин бўлдикки, бу ер илгари яйдоқ ер бўлганига бир қараганда ишониш жуда қийин. Яъни цех "Сирдарё" эркин иқтисодий зонасининг Янгиер шаҳри ҳудудида қурилиб, ишга туширилган.

Аслида бу — 2017 йилда ташкил топган "Elegant Fiber Textile" масъулияти чекланган жамиятининг тайёр кийим-кечаклар тикишга мўлжалланган цехи. Лекин у унча-мунча корхоналардан қолишмайди, матони бичиш, текислаш ёки тикишми — барча жараён замонавий ускуналар ёрдамида амалга оширилмоқда. Ускуналар Япония, Хитой, Вьетнам, Польша, Туркия ва Италиядан келтирилган.

Эътиборли жиҳати, корхонада 2020 йилнинг охирига қадар, асосан, трикотаж матолари ишлаб чиқарилиб, ички ва ташқи бозорга етказиб берилаётган эди. Жорий йилда ушбу цех барпо этилиши билан корхона имконияти янада ошди. Эндиликда бу ерда тайёр кийим-кечаклар ҳам тикиш йўлга қўйилди. Бу — даромад янада кўпаяди, дегани. Зотан, яримтайёр маҳсулотдан кўра, тайёр маҳсулотнинг харидори кўп, бозори чаққон бўлади.

Корхонада тикиладиган кийим-кечакларнинг тури чекланмаган. Яъни буюртма асосида хоҳлаган кийим тайёрлаб берилади. Айни пайтда корхонада Россия ва қозоғистонлик буюртмачилар учун ёзги кийим-кечаклар тайёрланмоқда.

— Ушбу цехнинг ишга тушиши биз учун айни муддао бўлди, — дейди тикувчи Анора Абдиева. — Аввало, бу ерда, асосан, хотин-қизлар меҳнат қилади. Қолаверса, ишлатаётган машина ва ускуналаримиз замонавий, чарчоқ нималигини билмайсиз. Бу корхонада бир йилдан буён меҳнат қиламан. Бошқа туманда яшасам-да, цехда ишлаш мен учун маъқул. Шароитлари яхши, ишчилар учун алоҳида транспорт ажратилган.

Корхона раҳбари Носирсаид Заҳриддиннинг таъкидлашича, яқинда фаолиятини бошлаганлигига қарамасдан хорижга 3 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилиш бўйича шартнома тузишга улгурган. Айни пайтда ушбу буюртмани тайёрлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 1,3 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 750 минг АҚШ доллари "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштирилган. Корхонада 200 га яқин янги ишчи ўринлари яратилган бўлиб, бу эса ҳудуд аҳолиси бандлигини таъминлашда қўл келаётир.

Маълумот учун, "Микрокредитбанк" АТБ томонидан ўтган йилда тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш учун 1 519,8 миллиард сўм эквивалентида маблағлар ажратилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 105 та инвестициявий лойиҳага 698 миллиард сўм эквивалентидаги хорижий валютада маблағлар йўналтирилди. Лойиҳалар тўлиқ ишга туширилиши билан мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилади.

**Д. МУРОДОВ.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Реклама ўрнида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси Қўмита раисининг ўринбосари Д.К.Аҳмедовга қизи **Сурайё ИЛЬХАМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 648. 24 969 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.00 Топширилди — 02.40 1 2 3 4 5 6